

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗДЖҚА КАФЕДРАСИ

«Жиззах тарихидан лавха»

ассистенти

Холикулова Хулкар томонидан

тайёрланган

ЖИЗЗАХ-2011

Жиззах тарихидан лавха.

Машхур географ олим Абу Исоқ, Иброҳим ибн Мухаммад ал-Истахрий «Масолик ал-мамолик» асарида шундай ёзади: Дизак -Уструшанадаги учинчи катта ,шаҳар. Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири. Топономист олимлар Жиззах номини суғдийча «Дизак» («қалъача») диз - «қалъа, истеҳком, қўрғон» - ак кичиклик билдирувчи қушимча, деб таъриф берадилар. Демак, Дизак «кичик қўрғон, истеҳком» маъносини англатар экан. Юнон солномачилари Кирополь ва Газони алоҳида тилга олишади. Археологлар Газо шаҳрининг ўрнини аниқ ва асосли тайин этмасаларда, тарихий манбаларда уни Самарқанд ва Тошкент оралиғида жойлашгани айтилади. Олимлар Газони қадимий Жиззах деб тахмин қиладилар.

Дизак Ўрта Осиёдан ўтган бир неча қадимий қарвон йули-нинг туташган жойида вужудга келган. Ёзма манбаларда илк бор араб географ олимлари ва сайёҳларидан Ибн Ҳавкал ва Макдисийларнинг асарларида Уструшана минтақасидаги шаҳар деб тилга олинади. Шаҳар араблар истилосидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Машхур араб географ олимлари Ёкут ал-Ҳамавий ва ас-Самъонийлар- ўзларининг асарларида Дизакга қуйидагича таъриф берадилар: Дизак - Уструшанадаги шаҳар. Фекнан ҳукмронлиги вақтида Дизакда кўплаб қарвонсаройлар ва меҳмонхоналар қурилган. Шаҳардан бир фарсах узоқликда жойлашган Худийепр қарвонсаройи, Бадр ибн Кушайр томонидан қурилган меҳмонхона ва кўплаб уйлар бўлган. Шошнинг йулидаги Самарқанд билан Зоминнинг ўртасидаги шаҳар. Дизакда Маросиманда деган жой бўлиб, у ер юз гектардан иборат бўлиб, ҳар йили у ерда бир маротаба катта савдо ярмаркаси ўтказилиб турилган, Атрофи тоғлар билан ўралган. Маросиманданинг яқинида минг деган жой бўлиб, у ердан ҳозирга қадар темир қазиб олинади.

«Худуд ул-олам» асарида қуйидагича таъриф берилади: «Дизак - шаҳарча, унда оқар сув бор. Унинг яқинида Маросиманда деган жой бор, унда бир йилда бир кун бозор бўлади ва ўша куни ул бозорда юз минг динор (миқдорида мол) савдо килинади, дейдилар».

Қадим ва ўрта асрларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлар бизгача етиб келмаган. Ўрта асрларга оид кўпгина қалъа-«қўрғон ва қарвонсаройлар тепа ва қўрғон (Култепа, Оқтепа, Работ, Курғонтепа, Хонимқўрғон, Қалиятепа) каби номлар билан аталади. Буларнингсони юздан ортиқ. Жиззах ва Ғаллаорол туманлари ҳудудидаги Такалисойдаги қоятошларда ибтидоий чорвачилик, овчилик даврига оид мингдан ортиқ расм, Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах туманларида жуда кўп ер ости йуллари сақланган. Бахмал тумани ҳудудида Будда

ибодатхонаси қолдиғи топилган. Парпиота, Гиркушок,, Авлиё Сероб, Нуриддин масжидларининг қолдиқлари сақланган. Фориш туманида қадимий «Банд» тўғони қолдиғи ҳозир ҳам мавжуд. Жиззах туманида Узунота қабри, Ўрда, Бобо Як, Қалиятепа, Нуриддин Хожи мадрасаси каби тарихий ва меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган.

Илк ўрта асрларда жаҳон бозорида Жиззахда жун ва теридан тайёрланган махсулотларга талаб катта бўлган. У1И-1Х асрларда кулоллик, заргарлик, аравасозлик каби маҳаллаларнинг мавжудлиги миллий ҳунармандчиликнинг ўша даврларда ривожланганлигидан дарак беради.

Жиззах 1Х-Х асрларда сомонийлар, Х1-Х1П, аср бошида ққорахонийлар, Х1И-Х^ асрларда чингизийлар, XIV-ХV асрларда темурийлар давлати, ХУ1-ХУИ1 асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги, ХVІІІ асрнинг иккинчи ярмидан 1866 йилгача Бухоро амирлигига тобе бўлган Шаҳар бир неча марта инқирозга учраб, яна қайта тикланган. ХУ1-ХУИ асрларда аҳоли ҳозирги эски бозордаги Ўратепага кўчган. ХІ) аср 60-йилларида у ҳам харобага айланган. Кейинчалик яна тикланган. ХІХ асрнинг иккинчи ярмидан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган. Дизакда тегирмон, жувозхона, темирчилик устахоналари, кулолчилик корхоналари ва бошқалар ишлабтурган. ШаҳарХУ1-Х!Х асрларда кўпгина тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган. 1571йилда Абдуллахоннинг Дашти Қипчоқ хони Бобохон ва Тошкент ҳокими Дарвешхон билан Жиззахдаги туқнашуви шаҳарга кўп талофат етказган. 1866 йил 12-18 октябрда Жиззах қалъаси рус босқинчилари томонидан тупга тутилиб, вайронага айлантирилган. 1916 йилдаги Жиззах қўзғолонида шаҳар рус мустамлакачилари томонидан яна вайрон қилиниб, аҳоли шафқатсиз қирилган. Жиззах қўзғолони тарихда «Жиззах фожиаси» деган ном қолдирди.. У Фозил Йулдош уғлининг«Жиззах қўзғолони» номли достонида ўзининг тулиқ аксини топган. Жиззах қўзғолони ўзбек халқининг мустақиллик учун кураши тарихининг энг қонли, унутилмас саҳифаси булиб қолди.